*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН НАШР ҚИЛИНА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 96 (20. 663) • 1990 йил 25 апрель, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

**ҚИШЛОҚ МЕҲНАТЧИЛАРИ! ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ АМАЛГА ОШИРИНГИЗ! ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОСИНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ, ҲАР БИР ОИЛАНИНГ ФАРОВОНЛИГИ, СИЗЛАРНИНГ ДЕҲҚОНЧИЛИКДАГИ МЕҲНАТИНГИЗГА БОҒЛИҚ!**

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май чақириқларидан).

# ИШДА СУРЪАТ ВА СИФАТ БЎЛСИН!

## ҚИЗҒИН ДАМЛАР

Деҳқон учун ҳар йили ўзгача келиши, табиий. Бу йил об-ҳаво қийинчиликларига дуч келинмоқда. Маълумотларга кўра, жумҳуриятимизда чигит экиш кунлари қийин кечмоқда. Пахтакорлар ҳозирги фурсатнинг қимматлилигини сезиб, чигит экишдаги кунлик суръатни оширишга интилмоқдалар. Агрегатлар юриши мумкин бўлган, барвақт тайёрланган майдонларга барака уруғи қадалмоқда.

Бу суратлар Жиззах вилояти, Арнасой ноҳиясининг Василевский номли совхози далаларида суратга олинган.

Оилавий звенолар чигит экишда намуна кўрсатишяпти. Совхознинг 1-бригадасидаги А. Асқаров бошлиқ биринчи звено оила аъзоларидан ташкил топган. Унда 5 киши ишлайди. Бу йил пахтакорлар пландаги 19,5 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 21 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашмоқда.

Юқоридаги суратда ишчи Абдували ака ўғиллари Абдулазиз ва Фазлиддин Асқаров ҳамда сеялкачи Шуҳрат Ризақулов тасвирланган. Улар навбатдаги ишларни маслаҳатлашмоқдалар. Пастда чигит экиш манзараси.

У. ҚУШВОҚОВ суратн.



## АҲДГА ЯРАША

● ПОП

**Райондаги «Коммунизм» колхозининг Исмоилжон Иброҳимов етакчилик қилаётган 1-участка далаларида иш ҳар қачонгидан қизғин. Бу ерда айни кунларда 6 та чигит экиш техникаси тўла унум билан ишлатилиб, кунига 35-40 гектар майдонда барака уруғи қадалмоқда. Механизаторлардан Зиёдулла Мамадалиев, Воҳобжон Йўлчиев Абулбой Рисқибоевлар чигитни бир текис қадашга эришаётирлар. Пахтакорлар жорий йилда мавжуд 400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришни кўзлашган.**

**Р. ҚУРБОНОВ.**

● ҚИЗИЛТЕПА

**«Партия XXII съезди» колхозида 42 гектар майдондаги рапс, рож каби оралиқ экинларини ўришга киришилди. Йиғиштириб олинаётган ширали кўк масса эса пешма-пеш хўжаликнинг сут-товар фермасига ташиб келтирилиб, қорамолларга берилмоқда. Натижада ҳозир ҳар бош соғин сигирдан кунига 10 литрдан серқаймоқ сут соғиб олинмоқда.**

**Б. МАНСУРОВ.**

● ИШТИХОН

**«8 Март» колхозининг Умар Қудратов бошлиқ бригадаси пахтакорлари районда биринчи бўлиб, барака уруғини қадашга киришган эдилар. Механизатор Раҳмат Раббимов ва Шуҳрат Нодировларнинг тадбиркорлиги туфайли чигит экиш ниҳоясига етмоқда. Бу йил бригада деҳқонлари мавжуд 92 гектар майдоннинг гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган.**

**У. САЙДОВ.**

## Кеча, 24 апрелда...

*Жумҳуриятимизда*

### КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мафкура комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республика ўрта мактабларини дарсликлар ва методик адабиётлар билан таъминлашни янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги ва Матбуот давлат комитети раҳбарларининг ахборотлари тинглади.

Омма орасида олиб бориладиган мафкуравий ишлар асосий йўналишларининг моҳияти, бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

### ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРИ СЪЕЗДИ

24 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон кинематографчиларининг съезди очилди. Съезднинг кун тартибига кўра, республика экран усталарининг сўнгги тўрт йил мобайнидаги фаолияти якунлари ва келгусида улар амалга оширадиган вазифалар муҳокама қилинади. Съездда Москва, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон вакиллари иштирок этишмоқда.

Ижодий уюшма бошқарувининг биринчи секретари М. Қаюмов съездда маъруза қилди. «Ўзбекфильм» студиясининг директори А. Хўжаев, илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясининг директори Д. Салимов, «Ўзбектелефильм» директори А. Абдураҳимов ўзлари бошқараётган коллективлар фаолияти тўғрисида ахборот бердилар.

Нутқлар юзасидан мунозара авж олиб кетди.

Съезд СССР Кинематографчилари уюшмаси VI съездига делегатлар сайлайди.

Съезд ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков иштирок этди.

*Хорижда*

### ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**ВАШИНГТОН. Бу ерда АҚШ маъмурияти билан АҚШга келган Европа иқтисодий ҳамжамияти олий вакиллари ўртасида сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари хусусида музокаралар бўлиб ўтди.** Бу Вашингтон билан Брюссель ўртасида ҳар йили икки марта олий даражада маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги келишув доирасида ўтказилган биринчи музокарадир.

Учрашув тугаганидан сўнг мухбирлар билан қўшма учрашув чоғида АҚШ ташқи сиёсий маҳкамаси бошлиғи Шарқий Европа, жумладан у ерда рўй бераётган «сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни» музокаралар марказида бўлганлигини таъкидлади. Давлат секретарининг сўзларига қараганда, ушбу масала юзасидан фикрлашув «бу регион Қўшма Штатлар ва Европа ҳамжамиятининг ҳамкорлик қилиши учун муҳимлиги ҳақидаги бизнинг умумий нуқтаи назаримизни» акс эттирди.

**МАНАГУА. Никарагуа олий сайлов кенгашининг раиси Марнано Фиальос республика президенти мандатини Виолета Барриос де Чаморрога топширди.** У шу йил 25 февраль куни бўлиб ўтган ялпи сайловда мамлакат олий давлат лавозимига сайланган эди. Вице-президент мандатини Вирхилио Годой олди.

Президентлик мандатини тантанали топшириш маросимида сўзга чиққан Виолета Барриос де Чаморро Никарагуада «демократияни ўрнатиш» босқичи бошланаётганини айтди. Виолета Барриос де Чаморро унинг ҳукумати миллий ярашга эришиш учун бутун куч-ғайратини сарфлайди, деб таъкидлади.

**БОНН. Ўнг экстремистик ташкилот «Скинхедс» — «сочини қириб олдирганлар»нинг сурбетларча хатти-ҳаракати ГФР илғор жамоатчилигининг ғазабини қўзғатди.** Маст бўлиб олган неонацистлар Ғарбий Германия пойтахти марказида ур-йиқит қилдилар. Улар йўловчиларга ташланиб, уларни шафқатсизларча калтакладилар ва тепдилар. Шундан кейин жазаваси тутган бу ёшлар автомобилларни ағдариб ташлашга, магазинлар ва жамоат муассасаларидаги ойналарни синдиришга киришдилар. Бу ерга етиб келган полиция тартибсизликни бошлаб берганларни қамоққа олишга муваффақ бўлди.

**ВАШИНГТОН. АҚШ Перуга наркобизнесга қарши кураш операцияларида қатнашиш учун ҳарбий ходимларни тайёрлаш ва ўқитишда ёрдам беради.** АҚШ давлат департаменти вакили Маргарет Татуайлернинг хабар беришича, икки мамлакат ўртасида мазкур масала юзасидан музокаралар тугалланди. Унинг сўзларига қараганда, Перуга 35 миллион долларлик ҳарбий ёрдам берилиши — бу АҚШ Президенти Жорж Буш ўтган йил сентябрь ойида тақдим этган наркобизнесга қарши кураш кенг программасининг таркибий қисмидир.

(ТАСС).

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ВКП/б/ Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисида»ги қарори доирасида (КПСС Марказий Комитети 1988 йилда бу қарорни хато қарор деб бекор қилган) Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 40-йилларнинг охири — 50-йилларнинг бошларида қабул қилган баъзи қарорлар билан боғлиқ материалларни ўрганиш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссияси тузилди.

**КОМИССИЯ ТАРКИБИ**

**Ҳамидов** Жаҳонгир Ҳакимович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, комиссия раиси

**Абдуллаев** Раҳматулла Ҳамидуллаевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партиявий назорат комиссиясининг раиси

**Азимов** Сарвар Олимжонович — ЎзССР ташқи ишлар министри

**Асқаров** Аҳмадали Асқарович — ЎзССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси

**Березиков** Евгений Ефимович — ёзувчи

**Ғуломов** Саидаҳрор Саидаҳмедович — Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори, ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

**Догонкин** Петр Васильевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг мудири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси

**Қориева** Бернора Раҳимовна — Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига номзод

**Қўчқортоев** Иристой Қўчқортоевич — ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ТошДУ ўзбек филологияси факультетининг декани

**Моргасов** Анатолий Сергеевич — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси

**Ражабова** Раъно Ёдгоровна — ЎзССР Фанлар акдемияси Тарих институтининг директори, тарих фанлари доктори

**Жабборов** Аҳмад Ҳамидович — Ўзбекистон композиторлар уюшмаси бошқарувининг раиси

**Салоҳиддинов** Маҳмуд Салоҳиддинович — ЎзССР Фанлар академиясининг президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси

**Сафаров** Рубен Акопович — «Правда Востока» газетасининг муҳаррири

**Умарбеков** Ўлмас Раҳимбекович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари

**Усатов** Дмитрий Александрович — Ўзбекистон ССР прокурори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси

**Ҳолмуҳамедов** Мутал Ҳошимович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг директори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси

**Ёқубов** Одил Эгамбердиевич — Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси

## ДЕҲҚОН ЯНА СИНОВДА

Наманган областининг шимолий районларида 20 апрелдан 21 апрелга ўтар кечаси ёққан дўлдан зарар кўрган дон ва озуқа экинларининг дастлабки бир неча юз гектарида экинлар тиклаб олинди. Табиий офат натижасида шикастланган фермалар, уй-жойлар ва бошқа иморатларни тиклаш учун минглаб кишилар ва юзлаб машина ҳамда механизмлар юборилди.

Маҳаллий гидрометеорология бюросининг бошлиғи А. Қурбоновнинг хабар беришича, кечқурун соат 9 дан кейин кучли жала дўлга айланди. Дўлнинг катталиги баъзан уч сантиметрга етди. Бор-йўғи бир неча соат ичида ёғингарчилик тарзида ерга камида 9 миллион кубометр сув тушди.

Дўлга қарши курашувчиларнинг куч-ғайрати қай йўсин билан бўлса ҳам дўлнинг катталигини кичрайтиришга ва шу билан зарарни камайтиришга қаратилган эди. Бироқ бу сезиларли натижа бермади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, дўл етказган моддий зарар қарийб 20 миллион сўмни ташкил этади. Дон ва озуқа экинлари, боғлар ва полизлар қаттиқ шикастланди. Табиий офат зарбасига учраган ерларнинг умумий майдони 17 минг гектардан ошади.

Ҳозир табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков табиий офат рўй берган районларда бўлди.

(ЎзТАГ).

## БЕҒАМ БЎЛМАНГ

Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида ҳар йили минглаб ниҳоллар ўтқазилади, гектарлаб боғлар бунёд этилади. Бу йил Амударё, Кегайли, Хўжайли, Элликқалъа районлари хўжаликларида олма, ўрик, шафтоли, олхўри, олча ва бошқа мевали дарахт кўчатлари ўтқазиш ва уларни парвариш қилиш яхши йўлга қўйилган.

Ҳозир кўчат ўтқазиш ва унинг парвариши яхши йўлга қўйилган, деб ёзяпмизу кўнглимизда хавотирлик пайдо бўлмоқда. Нега? Чунки ҳар йили кўчат экамизу, мавсум тугагач, ҳаммасини унутамиз.

Район, колхоз ва совхоз раҳбарлари кейинчалик бу «дард»ни яшириш мақсадида турли баҳоналар излаб топа бошлайдилар: «Майдонлар шўр, ер ости сувлари юзада, қанча эксанг шунча қурийди».

Савол туғилади: хўш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайдиган ҳам, коллектор-дренаж тармоқларини кенгайтирадиган ҳам, майдонларга сифатли қайта ишлов берадиган ҳам ва ниҳоят боғ-роғ яратадиган ҳам ўзларингиз-ку? Биз кейинги беш-олти йилда неча гектар майдонга мева ва ток кўчатлари ўтқазилганлиги ҳамда шу майдонларда неча тип ниҳол ўсиб ривожланаётганлигини сўраганимизда ҳам ҳеч бир раҳбар, ҳеч бир мутахассис аниқ жавоб беролмади. Аммо мухтор жумҳурият Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети ҳамда мева ва сабзавот саноати бирлашмасидаги мутасадди ўртоқлар бу ишга қанча маблағ сарфланганлигини тутилмасдан айтиб беришади. Афсуски, бу пулларнинг аксарият қисми беғамлик ва масъулиятсизлик туфайли ҳавога совурилиб кетди.

*• Мухбиримиз бонг уради*

Амударё районида сўнгги йилларда боғ-роғлар камайиб бормоқда. 1986—1987 йилларда райондаги «Қипчоқ» совхозида бир гектар майдонда ҳам боғ яратиш планлаштирилмаган. Ҳозир ҳам аҳвол яхши эмас. Район агросаноат уюшмаси раиси ўринбосари С. Янгибоев бу борада ҳеч қандай маълумотга эга эмас.

Кегайли районида эса аҳвол бундан ҳам аянчлироқ. Мавжуд боғлар ҳам қаровсизлик туфайли қуриб бораяпти. Ваҳолонки, район мутахассислари нафақат хўжаликлар тасарруфидаги, балки кишилар томорқасидаги дарахтларга ҳам масъул бўлиши, ниҳолларнинг касалланишига қарши курашишлари лозим.

Айни пайтда Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Министрлар Совети, районлар ва хўжаликлар раҳбарлари нимани ўйлашаётган экан? Эҳтимол, улар узоқнинг донидан, яқиннинг сомони яхши, қабилида иш тутишаётгандир. Чунки, у ердаги айрим раҳбарларнинг таъкидлашича пахта, ғалла шоли, сабзавот, полиз ва бошқа баъзи қишлоқ хўжалик экинларидан бир йилда даромад олиш мумкин. Балки боғ-роғ ва токзорларнинг ҳосилини кутиб ўтиришга уларнинг тоқатлари етишмас.

**Р. ЕШИМБЕТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## ХХР Давлат Кенгаши Раисининг ташрифи

Илгари хабар қилинганидек, Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси, ХХР Давлат Кенгашининг Раиси Ли Пэн 23 апрель куни расмий ташриф билан Москвага келди.

Шу куни Кремлда Н. И. Рижков билан Ли Пэннинг музокаралари бошланди.

СССР билан ХХР муносабатларининг барча жиҳатлари юзасидан батафсил фикрлашиб олинди. Яна давом эттириладиган музокаралар амалий ва дўстона вазиятда ўтди.

Кечқурун Катта Кремль саройида Ли Пэн ва унинг рафиқаси шарафига СССР ҳукумати номидан зиёфат берилди.

Меҳмон билан бирга сафарда унга ҳамроҳлик қилаётган хитойлик расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан Н. И. Рижков рафиқаси билан, Э. А. Шеварднадзе, Е. М. Примаков, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Дўстона муҳитда ўтган зиёфатда Н. И. Рижков билан Ли Пэн нутқ сўзладилар, уларнинг нутқлари қарсаклар билан кутиб олинди.

(ТАСС).

## УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

24 апрель куни Кремлда СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Р. Н. Нишонов ХХРнинг Синьцзян—Уйғур автоном райони халқ ҳукуматининг раиси Тумур Даваматни қабул қилди. У Москвага ХХР Давлат Кенгашининг Бош министри Ли Пэн бошчилигидаги делегация таркибида келди. Суҳбат чоғида томонлар Совет—Хитой муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар, Синьцзян—Уйғур автоном райони билан унга чегарадош Ўрта Осиё совет республикалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Суҳбат самимий дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

## СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

**ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАРДАН ЭСДАЛИК ТАНГАЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА**

1990 йилнинг 23 апрелида «Рус Америкаси» кашф этилганлигининг 250 йиллигига ва балетга бағишланган тангалар икки туркуми муомалага чиқарилади: кумуш тангалар — қиймати 3 сўмлик (қимматбаҳо металлнинг соф вазндаги оғирлиги 31,1 грамм, қотишма пробаси 900), платина тангалар — қиймати 150 сўмлик (15,55 гр., 999), палладий тангалар-қиймати 25 сўмлик (31, 10 гр; 999.), палладий тангалар — қиймати 10 сўмлик (15,55 гр., 999).

Тангалар диаметри тегишли тарзда 39 миллиметр, 28,6 миллиметр, 37 миллиметр, 30 миллиметр бўлиб, доира шаклига эга.

Тангаларнинг олд томонида СССР Давлат гербининг тасвири жойлаштирилган бўлиб, унинг пастида «СССР», қуйи қисмида эса икки қаторда тангалар қиймати тегишли тарзда: «3 рубля», «150 рублей», «25 рублей», «10 рублей» сўзлари ёзилган ва бу сўзлар тагида танга зарб этилган йил «1990» ёзуви бор. Қуйи сегментда сўл ва ўнг томонда қисқа чизиқчалар бўлиб, унинг остига металлнинг Д. И. Менделеев химиявий элементлар даврий жадвалидаги белгилари, қимматбаҳо металл соф массаси, қотишма пробаси ва зарбхона белгиси туширилган.

Муомалага чиқарилаётган тангалар:

«Рус Америкаси» 250 йиллигига бағишланган тангалар туркуми «пруф» сифати билан қуйидаги тиражда тайёрланган:

— кумуш тангалар — 25000 дона;

— платина тангалар — 6500 дона;

— палладий тангалар — ҳар тури 6500 донадан.

Рус балетига бағишланган тангалар туркуми икки хил сифат билан ва қуйидаги тиражда тайёрланган:

қиймати 25 сўмлик танга — 30000 дона, шу жумладан «пруф» сифати билан 3000 дона;

қиймати 10 сўмлик танга — 15000 дона.

Мазкур тангалар СССРда ва чет элларда коллекция нархида сотишга мўлжалланган.

## КОСМИК ВАХТАДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 24 апрель. (ТАСС). Совет фазогирлари Анатолий Соловьев билан Александр Баландининг Ер атрофидаги парвози давом этмоқда.

Экипаж космик материалшунослик режаларига мувофиқ, 23 апрелда «Галлар» қурилмасида тажриба ўтказа бошлади, бу тажриба 220 соат давом этади. Ана шу технология жараёнидан кўзда тутилган мақсад вазнсизлик шароитида ярим ўтказгич материал Галлий Арсенидининг сифати яхшиланган монокристаллини ҳосил қилишдан иборат.

Ер атрофидаги фазода ионлаштирувчи космик нурланиш даражасига баҳо бериш ҳамда очиқ космоснинг турли материаллар физик-механик хоссасига таъсирини тадқиқ этишга баҳо беришга доир тажрибалар давом эттирилмоқда.

Фазогирлар «Прогресс М-3» автомат транспорт кемаси билан бажариладиган ишларни тугалламоқдалар. Улар орбитага келтирилган юкларни станцияга ва модулларга жойламоқдалар, кеманинг бўшаб қолган бўлмаларига ишлатиб бўлинган ускуналарни жойламоқдалар. Кеча юк кемасининг мотор қурилмаси ёрдамида учувчи бошқарадиган комплекс орбитаси тўғрилаб қўйилди.

Парвоз нормал ўтмоқда. Иккала фазогир ўзини яхши ҳис этмоқда.

*КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаларини ўқиб*

# МЕНИНГ ФИКРИМЧА...

КПСС XXVIII съезди ўз ишини бошлайдиган кун яқинлашгани сари Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳалари юзасидан бўлаётган мунозаралар тобора фаоллашиб бормоқда.

Ҳаракат дастурининг қиммати шундаки, у инсонпарварлик руҳи билан суғорилган, унда инсон тақдири марказий ўринда турибди. Шу билан бирғаликда унинг айрим бобларига баъзи қўшимча ва аниқликлар киритилса янада мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, **дастурнинг «Инсон — партия снёсатининг марказида» деб номланган иккинчи боби 17-абзацида** фаннинг роли ҳақида гап боради. Маълумки, кейинги пайтларда барча соҳалар бўйича илмий кадрлар тайёрлашни кучайтириш вазифаси долзарб масала бўлиб қолди. Мен ана шуларни эътиборга олиб мазкур абзацдаги **«Интеллектуал мулкни самарали муҳофаза қилишни таъминлаш муҳимдир»** деган сўзлардан сўнг **«Илмий кадрлар (олимлар) тайёрлашга эътибор ҳар томонлама кучайтирилиши зарур»**, — деб ёзиб қўйишни таклиф қиламан.

**Шу бобдаги 23-абзацда** ногиронлар, уруш ва меҳнат ветеранлари аҳволини яхшилаш ҳақида сўз боради. Агар мана шу абзацга **«уларнинг куч ва билимларидан ижтимоий ҳаётда янада тўлароқ фойдаланиш лозим»**, деган сўзлар қўшиб қўйилса, айни муддао бўларди.

**«Кенг қўламдаги социалистик демократия ва халқнинг ўзини-ўзи бошқариши сари» деб номланган IV бобда халқ назорати органларига ва умуман ижрони ташкил этиш ва уни текшириш масалаларига партиянинг муносабати аниқ кўрсатиб ўтилмаган.** Ваҳолонки, ҳар қандай яхши ва адолатли қонун ва қарорларнинг ижроси устидан назорат ўрнатилмаса, улар амалга ошмай қоғозда қолиб кетиши мумкин. Шу боисдан, **мазкур бобнинг «Давлат ҳокимияти» деб бошланган абзацига «Партия қонун ва қарорларни ижро этишни ташкил қилиш ва унинг устидан назорат ўрнатишни муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди»** деган жумлани киритишни таклиф қиламан. Ундан ташқари **шу бобга «Социалистик демократия системасида давлат ва жамоат назоратини такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади»**, деган жумлани киритиш ҳам жоиздир.

Дастурдаги **«Партияни янгилаш сари» номли VII боб нинг 6-абзацида «У ўз ғоявий-сиёсий ва ташкилий асосларини рад этадиган, социализмга қарши миллатчи, Советларга қарши ташкилотлар ва ҳаракатларда қатнашувчилардан ўз сафларини тозалайди» деган иборалар бор. Бизнингча, «миллатчи» сўзидан кейин «фракциячи» деган сўзни қўшиб қўйиш тўғрироқ бўлади.** Зеро В. И. Ленин фракциячиларга нисбатан ўз даврида қаттиқ кураш олиб борган эди. Партия таркибидаги фракциячилар ва гуруҳбозларга қарши кураш зарурлиги яқинда матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига Очиқ хатида асосли баён этиб берилган.

**Ушбу бобдаги «Партия аппарати тўғрисида» деб бошланадиган абзацда «Аппарат ўз сони жиҳатидан энг мақбул бўлиши ва сайлаб қўйиладиган органларга қатъий бўйсуниши лозим» деб қайд этилган. Бу жуда тўғри, аммо «мақбул бўлиши» деган сўзлардан кейин «анчагина қисқартирилиши лозим» деб ёзиб қўйиш керак** деб ҳисоблайман.

Яна бир мулоҳаза. **Ҳаракат дастурида коммунизм, коммунистик ғоя ҳақида деярли ҳеч нарса айтилмаган.** Партиямизнинг номи эса бежиз Коммунистик партия деб аталмайди, чунки у коммунистик ғоя билан қуролланган партиядир, унинг асосий, пировард мақсади — коммунизм жамиятини қуришдан иборат. Шу боисдан **VII бобнинг «Янгиланаётган жамиятда КПССнинг ўрни ва роли» деган жумла билан бошланган абзацида юқорида айтилган фикр шундай ёзилса: «КПСС марксизм-ленинизм принципларига асосланиб, коммунистик ғоя билан қуролланган ҳолда, коммунизм жамияти барпо этишни ўз олдига қўйилган пировард мақсад деб ҳисоблайди».**

**Мазкур бобнинг 9-абзацида «КПСС... қайта қуриш вазифаларининг амалга оширилишини тарғиб қилади» деган жумла бор.** Бу масалада фақат тарғиб қилиш билан чекланмай, юқоридаги ибора **қуйидагича баён этилса мақбул бўларди: «КПСС... қайта қуриш вазифаларининг амалга оширилишида фаол қатнашади ва уни тарғиб қилади».**

КПССнинг Янги Устави лойиҳаси коммунистлар оммаси, партия органлари ва тегишли комиссияларнинг ижодий маҳсули сифатида юзага келди. Амалдаги партия Уставига таққослаганда янги Устав лойиҳаси анча содда, замон талабларига ва партиянинг қайта қуриш вазифаларига мос келади. Лойиҳанинг баъзи қоидалари новаторлик хусусиятига эга. Бу фикр, айниқса партиянинг ички ҳаётини демократиялаш, бошланғич партия ташкилотларининг мустақиллигини кучайтириш ва бошқа баъзи бир масалаларда яққол намоён бўлган. Аммо унинг баъзи боб ва моддалари бўйича эътироз ва қўшимчаларимиз бор.

**Устав лойиҳаси биринчи бобининг 3-бандида** КПСС аъзосининг вазифаси ҳақида сўз юритилади. Бу ерда **«партия қарорларини бажариш» сўзларидан кейин «партия интизомига риоя қилиш»** сўзларини қўшиб қўйиш зарур. Чунки кейинги пайтларда партияга ўнг томондан ҳам, сўл томондан ҳам ҳужум қилиш фактлари учраб турибди. Агар партия ичида интизом мустаҳкам бўлмаса, фракциячилар ва гуруҳбозлик ҳаракатлари янада авж олиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Лойиҳада партияга қабул қилиш тартиби ҳам анча соддалаштирилган, яъни бу масала бошланғич партия ташкилотида тавсияномаларсиз узил-кесил ҳал қилиниши кўзда тутилган. Бу қоида бошқа баъзи бир омиллар қаторида бошланғич партия ташкилотларининг ҳам обрўсини, ҳам масъулиятини оширади. Лекин **фикримизча, партия аъзолигига номзодлик орқали ўтиш мақсадга мувофиқдир.** Бир йил давом этадиган номзодлик даврида бўлажак КПСС аъзоси ўзининг нималарга қодир эканлигини ҳар томонлама кўрсатиш имкониятига эга бўлади ва бир йўла синовдан ўтади.

Устав лойиҳасининг **5-банди иккинчи абзацида** партия аъзосининг КПССдан ариза асосида ихтиёрий чиқиши мумкинлиги ҳақида гап боради. Шу абзацнинг охирида **«бу ариза бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилади» деган сўзлардан кейин «ва унинг сабаблари аниқланади»** деб қўшиб қўйилиши даркор. Чунки КПСС аъзосининг партиядан ихтиёрий чиқишини оддий ҳол деб бўлмайди.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бошланғич партия ташкилотининг котиби сиёсий ва ғоявий жиҳатдан қанчалик етук, принципиал ва шу билан бирга коммунист ва партиясизларнинг дарди ва ташвишини тушуна оладиган бўлса, партиявий иш ҳам шу даражада муваффақият билан амалга оширилаверади. Аммо баъзи корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари партия ташкилотининг котибини ўзлари учун «қулай» ва «сўзга кирадиган» бўлишига ҳаракат қиладилар. Ана шундай ҳолларни чеклаш мақсадида бошланғич партия ташкилотининг котибини муқобиллик асосида бир неча номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайлаш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабдан Устав лойиҳаси **19-банди иккинчи абзацидаги «Кундалик ишни юритиш учун йиғилиш (конференция) икки-уч йил муддатга ижроия орган — партия бюроси (комитетини) ва унинг секретарини» сўзларидан кейин муқобиллик асосида номзодлар орасидан сайлайди»** деб ёзиб қўйиш лозим.

Лойиҳанинг **31-банди охирги абзацида** «Марказий Комитет Пленумлари оралиғидаги даврда унинг органлари ишига КПСС Раиси ва Раис ўринбосарлари раҳбарлик қиладилар» деб таъкидланган. Фикримизча бу ҳол Марказий Комитет Пленуми томонидан сайланадиган коллегиал орган — Президиумнинг ролини пасайтирмасмикан? Чунки Раис ҳам, Раис ўринбосарлари ҳам шу Президиумнинг аъзолари этиб сайланадилар-ку. Шу боисдан **юқоридаги абзацни олиб ташлаб, айни пайтда шу банддаги 3-абзацни қуйидагича ифодалаш тўғрироқ бўлади: «Марказий Комитет Президиуми КПСС Марказий Комитети Пленумига ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили ҳисобот бериб туради ва Марказий Комитет Пленумлари оралиғидаги даврда унинг органлари ишига раҳбарлик қилади».** Бу қоида лойиҳадагига нисбатан кўпроқ демократлашган ва коллегиал руҳда бўлар эди, деб ўйлаймиз.

Партияни қайта қуриш ва янгилаш жараёнлари, афтидан партия аппаратини анча миқдорда қисқартиришга олиб келади. Айни пайтда партиявий нашриётлар ва бошқа манбалардан келадиган даромад қўпайса қўпаядики, лекин камаймайди. Шу боисдан **партияга аъзолик бадалларининг миқдорини Устав лойиҳасида белгиланганига қараганда яна ҳам бирмунча пасайтириш лозим. Масалан, аъзолик бадалининг энг юқори чегараси 2 фоиздан ошмаслиги керак.**

**Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, даромад 201 сўмдан 300 сўмгача бўлганда аъзолик бадали 1,5 фоиз, даромад 300 сўмдан ошганда эса, қанча ошишидан қатъи назар 2 фоиз миқдорида белгиланса етарли бўлади.** Ўйлаймизки, анчагинага қисқартирилган партия аппаратини сақлаш учун ҳаражатлар янада сезиларли даражада камайтирилиши зарур.

**Т. ХОНХЎЖАЕВ,**
**1953 йилдан КПСС аъзоси.**

# ТИЙИНЛАРДАН СЎМЛАР...

Ҳаракат дастури лойиҳасини инсонпарварлик, демократик социализм сари қўйилган дадил қадам, деб ҳисоблайман. Ҳужжатда «Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ниҳоятда ўткир муаммо бўлиб турибди. КПСС гўшт, сут, сабзавот, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни жадал ўстириш манфаатларини назарда тутиб экономика аграр секторини устун ривожлантириш тарафдоридир», деган сатрлар айни биз қишлоқ меҳнаткашларига таллуқлидир. Дарҳақиқат, озиқ-овқат танқислиги ҳукм сурянти. Хўш, нега шундай? Рўй-рост айтиш керакки, партия-ҳукумат қарорлар қабул қилаверадию, ижроси таъминланмайди. Бу борада Озиқ-овқат программасини эслаш кифоядир. 1982 йили шу масала бўйича мамлакат миқёсида жуда катта вазифалар қўйилди. Бироқ (муддати тугаган бўлса ҳам) мўлжалланган режалар рўёбга чиқмади.

Ваҳолонки бугунги кунда ижара пудрати усулида ишлаётган тадбиркор деҳқонлар сезиларли ютуқларга эришишяпти. Бир мисол: ўтган йили хўжалигимиздаги 14-бригада аъзоси Ғуломжон Тожибоев колхоздан битта чопиқ трактори ва 5 гектар ерни беш йил муддатга ижарага олди. Ишни шартнома асосида ташкил қилди. Атиги бир йилда 23 минг 500 сўм даромад қилди. Ҳисобот якунида йиллик иш ҳақига қўшимча 11 минг 664 сўм пул олди. А. Усмонов, А. Ҳайдаров, А. Исмоилов каби деҳқонлар ҳам мўмай даромад олишди. Бу нимани кўрсатяпти? Агар оддий деҳқонга ерни бериб, шартнома бўйича талабларни бажариб турсангиз, у қандай қилиб ҳосил олишни яхши билади. Унга ўргатиш, маслаҳат бериш, буйруқбозликка ҳожат йўқ.

Кейинги икки-уч йил ичида томорқа ва шахсий уй қуриш учун ер бериш алоҳида эътиборда турибди. Фақатгина ўтган йили 113,5 гектар ер ана шу мақсадларга тақсимланди. Ҳали ҳам аризалар бериш давом этяпти.

Демак, колхоз ери озайяпти. Уз-ўзидан бу ҳар бир қарич экинзордан самарали фойдаланишни тақозо қилади. Ҳисобот йиғилишида бу масала яна кўтарилди. Пудратчилар сафи кенгайиб бораётгани дуруст самара бераётганини айтмоқчиман. Ўтган хўжалик йилида 234 пудратчи фаолият кўрсатди. Шундан 157 таси сабзавотчиликда бўлиб, улар оилавий ва шахсий ер эгаси сифатида 175 гектар майдонда деҳқончилик қилиб ҳар гектар ердан 380 центнердан маҳсулот етиштирдилар. Бу хўжаликдаги умумий сабзавот майдонининг 24 фоизини ташкил қилади.

Иқтисодий кўрсаткичларимиз ҳам яхши бўлди. Ўтган йили 1092 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, деярли ҳамма соҳада планларни бажардик. 22430 тонна сабзавот етиштирдик. Полизчилик, чорвачиликда қолоқлик тугатилди. Янгидан 12 тур ёрдамчи хўжалик ташкил қилинди. Умуман, ўтган йили соф фойда 1 миллион 78 минг сўмга етди.

Бироқ ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйдик. Ўз вақтида шартнома тузилмаганлиги оқибатида етиштирилган маҳсулотнинг 10—15 фоизи далаларда истеъмолчиларга жўнатилмасдан нобуд бўлди. Оқибатда 200 минг сўм йўқотилди. Шу муносабат билан лойиҳанинг 3-бўлим, 3-абзаци охирига **«Нобудгарчиликка йўл қўйган хўжалик ва маҳсулотни қабул қилувчи масъул кишилар шартнома талаблари асосида жиддий маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши керак»** деган жумла қўшиб қўйилишини таклиф қиламан.

Бу йил деҳқонларимиз 18 минг тонна сабзавот, 1290 тонна полиз маҳсулотлари ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, давлатга сотиш мақсадида баҳорги юмушларни жадал бажармоқдалар. 90 гектар майдонга эртаки карам экдик. Бошқа тур сабзавотларни ҳам ўз вақтида экиб, баракали ҳосил олишга интиляпмиз. Ички имкониятларни ҳисобга олиб «Москва» участкасидаги иссиқхонанинг дастлабки 2 гектарини ишга туширамиз. Йилига 5 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга бўлган консерва заводини йил охиригача ишга туширамиз.

Сабзавоткор сифатида битта илтимосим бор: жумҳуриятдаги ҳар бир раҳбар фақатгина пахта ёки чорвага эмас, балки сабзавотчиликка ҳам дуруст эътибор берса. Маълумот, график, план ҳақида суриштиришга эмас, амалий кўмакка муҳтожмиз.

Тийинлардан сўмлар пайдо бўлади. Бизнинг хўжалигимизда 10—15 турдаги экин экилади. Демак шунга яраша ҳаракат, тажриба, билим керак. Қолаверса, шу маҳсулотларни давлатга сотиш баҳолари жуда паст. Масалан, қовоқчанинг бир килограмми 3 тийин, карамники 11 тийиндан 30 тийингача, қизилча 6 тийин, помидор эса 10—13 тийин. Тўғри; қаловини топса қор ёнади, дейишади. Ўтган йили район, область, республика ва Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида 20 га яқин колхоз дўконларини очиб, озми-кўпми ўзимиз хоҳлаган нархда маҳсулот сотдик. Лекин бу барибир етарли эмас. Хуллас биз лойиҳада таъкидлаб ўтилганидек, революцион ўзгартишлар йўлига кирар эканмиз, бу борадаги ҳаракатимизга халақит берадиган ўтмиш қиёфаларини улоқтириб ташлашимиз зарур.

**С. МАЪРУПОВ,**
**Наманган районидаги сабзавотчиликка ихтисослашган Тельман номли колхоз раиси.**

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

# «МУХБИР»— «КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг апрель ойи сонидан шу кун руҳини акс эттирадиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар ўрин олган. Жумладан, ТошДУ журналистика факультети доценти, тарих фанлари номзоди В. Абдуллаевнинг В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган «Ленин. Матбуот. Қайта қуриш» сарлавҳали мақоласида доҳийнинг журналистик ва муҳаррирлик фаолияти, унинг матбуот органларининг жамиятда тутган ўрнига берган баҳоси, матбуотнинг ленинча принциплари ҳақида сўз боради.

Жумҳуриятимиз бир неча журналистларининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари қилиб сайланганлиги муносабати билан журнал ўз ўқувчиларини депутатлар билан таништиришни бошлаган. Ушбу сондаги «Эзгу мақсад йўлида» сарлавҳали мақолада Ўзбекистон ССР халқ депутати, «Ленин учқуни» газетасининг муҳаррири А. Кўчимов ҳақида ҳикоя қилинади.

«Матбуот — тарих кўзгуси» рубрикасида берилган М. Сулаймонованинг «Эзъозлайлик ва кўпайтирайлик» сарлавҳали мақоласида Улуғ Ватан уруши йилларидаги фронт газеталари, уларда дўстлик ва байналмилал қардошликни тарғиб қилиш анъаналари ҳақида сўз борса, З. Есенбоевнинг «Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан» рубрикасида эълон қилинган «Касбга садоқат» сарлавҳали лавҳасида журналист ва жангчи Умар Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Шунингдек, журнал саҳифаларида Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қандай амалга ошаётгани ҳақидаги «Ҳар биримиз масъулмиз», А. Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган «Халқчил ижодкор», «Ташкентский университет» кўп тиражли газетасининг 70 йиллигига бағишланган «Жўшқин йиллар шоҳиди», чет эл матбуоти ҳақидаги «Монголия воқелиги», «Миср лавҳалари» сингари мақолалар ҳам босилган.

Булардан ташқари «Матбуот обзори», «Редакция почтасидан», «Фотосаҳифа», «Актив—редакция таянчи», «Деворий газета», «Изланиш клуби» каби рубрикалар остида ҳам мақолалар берилган.

# ХИВАНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

**Бу савол кўпларни ўйлантириб келарди. Олим ва археологларнинг олиб борган тадқиқот ва изланишларида бу борада турли хил саналар қайд этилган.**

Айримлар бундан етти аср муқаддам шаҳар қурилиши бошланганини кўрсатувчи фактларни келтиришса, бошқа манбаларда эса унинг икки асрдан сал олдинроқ пайдо бўлганлиги таъкидланади. Яқинда бир тўхтамга келиниб, Хиванинг 2500 йиллик тўйини 1993 йилда кенг нишонлаш режаси тузилди.

Шу муносабат билан Хивада Хоразм вилояти партия, совет ташкилотлари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан ҳамкорликда шаҳарнинг ёшини археологик жиҳатдан асослаб беришга бағишланган илмий-назарий конференцияни ташкил этди. Унда жумҳуриятимиз ва Иттифоқимизнинг таниқли олимлари, адабиёт ҳамда маданият намояндалари иштирок этишди. Улар қадимий шаҳарнинг катта тўйи билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишди, илмий-назарий фикрларни таҳлил этишди, обидалар ва шаҳарнинг бугунги аҳволи билан танишиб, ўз фикр-таклифлари билан ўртоқлашишди.

**А. ҚОРЖОВОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

*• Луқма*

# ДЕМОКРАТИЯ БУЗИЛМАДИМИ?

Ҳурматли редакция!

Яқинда бизнинг «Коммунизм» колхози партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлди. Йиғилишда партия комитети аъзоларини яширин овоз бериш йўли билан сайлаш чоғида илгариги партком секретари И. Келдиёров кам овоз олиб, комитет таркибига сайланмай қолди. Бироқ партия комитетининг янги аъзолари ҳали янги секретарни сайлаб улгурмасларидан қўқ қисдан йиғилишга район партия комитетининг биринчи котиби Раим Раҳмонов (собиқ) ташриф буюриб қолди. У кишининг тазйиқлари билан десак одобсизлик бўлар-у, лекин «доно маслаҳатлари» билан И. Келдиёров бошқатдан, энди очиқ овоз бериш йўли билан партком составига ғайриқонуний равишда сайланди.

Биз бир нарсани тушуна олмай турибмиз. Бу ҳол ҳозир амалдаги КПСС Устави қоидаларини қўпол тарзда бузиш эмасми? Шундай йўл билан сайланган партком котибини, шу таҳлитда ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишини қонуний, деб бўладими?

Партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловлар чоғида демократия ва ошкоралик ниқоби остида кимларнингдир манфаатларини кўзлаб йиғилиш йўналишини ўзгартирадиган, партия Уставига зид иш тутадиган Раим Раҳмоновга ўхшаган котиблар фаолиятига қайта қуриш даврида қачонгача бефарқ қараб турамиз.

**Яккабоғ районидаги «Коммунизм» колхози партия ташкилоти ҳисобида турувчи коммунистлар: Ҳ. ОРТИҚОВ, М. ҲАКИМОВА, Б. ХУДОЙҚУЛОВ, Б. ХЎЖАЕВ.**

# ЁРДАМГА КЕЛИШДИ

Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамиятининг аъзолари Тошкент область Бўстонлиқ районидаги айрим колхозчилар бошига тушган кулфатни эшитиб, жуда ачиндилар. Жамият жабрдийдаларга дастлабки ёрдам сифатида ҳар бир жабрланган оилага бир йўла 200 сўм тўлаш ҳисобидан 40 минг сўм пул ажратди.

Офат юз берган зонага зарур буюмлар жўнатилди. Шошилинч ёрдам бериш ва табиий офат оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамиятининг санитария дружиналари ва раҳм-шафқат хизматининг ходимлари сафарбар этилди.

— ★✦★ —

*Кенг истеъмол моллари—халққа*

# ИХТИСОСЛАШТИРИШ САМАРАСИ

**Болалар пойабзали... Уни ишлаб чиқариш кўпайтирилса, сифати яхши бўлса — ота-оналар истаги шундай. Чиндан ҳам фарзандингизга лойиқ, арзон ва сифатли пойабзални доимо излайсиз. Тикилиши ҳам бежирим бўлса, дарҳол харид қилишга шошиласиз.**

**Янгийўл пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари харидоргир маҳсулотларни кўлайтириш мақсадида изланишмоқда. Маҳсулот турларини янгилаш борасида мусобақа кун сайин кучаяётир.**

**Корхона цехларида замонавий дастгоҳлар ўрнатилянти. Эски дастгоҳларни янгилари билан алмаштириш вазифаси муваффақиятли ҳал этилмоқда.**

**Пойабзалчилар Москва, Минск ҳамда жумҳуриятимиз пойтахтидаги янги турдаги пойабзал тайёрловчи турдош корхоналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган. Маҳсулот тайёрланиши олдидан шу корхоналар меҳнатчилари билан маслаҳатлашиладн. Пойабзалнинг ҳар бир бўлаги қайси материалдан бўлиши келишиб олинади. Бундай ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда.**

**Ўн иккинчи беш йиллиқнинг якунловчи йили дастлабки квартал топшириғи оширнб бажарилди. Бунда илғор ишчи А. Қўчқорова, А. Очилова, Н. Вагамова, оператор З. Муротовнинг катта ҳиссалари бор. З. Муротов Австрия корхонасида тайёрланган дастгоҳни моҳирлик билан бошқармоқда.**

Суратларда: 1. Янги хил болалар пойабзали яратиш хусусида баҳс кетмоқда: унда Р. Мамадалиев (чапдан ўнгга), А. Аббосова, Ғ. Аминов ва Г. Кулагина қизғин иштирок этишмоқда. 2. 5-цехда иш пайти.

**Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар (ЎзТАГ).**

— ★✦★ —

*• Хўжалик юритишнинг янги қирралари*

# ИЛК ТАЖРИБА

«Цех очилишини эшитибоқ менда у ерда ишлаш истаги туғилганди. Янглишмаган эканман. Консервалаш сир-асрорини тезда ўрганиб олдим. Ҳатто дугоналаримни ҳам жалб этдим. Улар ҳам хурсанд. Сабаби иш шароитимиз яхши, цехимиз саранжом-саришта, ойлик маошимиздан ҳам нолимаймиз. Энг асосийси бекор юрган ёшлар ишли бўлишди. Ҳозир бригадамизда 25 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Саломат Ҳакимова, Дилрабо Жўраева, Ҳумор Ҳожиматова, Маъмур Юнусовлар унумли меҳнати, одоб-интизоми билан ҳамкасбларига ўрнак».

Бу сўзлар Москва районидаги «Октябрь» колхози консерва цехи бригада бошлиғи Соҳиба Алиматовага тегишли. Дарҳақиқат, колхозда мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех очилганига ҳали бир йил бўлганича йўқ. Аммо бу ерда анчагина амалий ишлар қилишга улгурилди. Шуни айтиш ўринлики, бу райондаги дастлабки тажрибадир. Ташаббус колхоз фаолларига, район ижроия комитети раҳбарларига маъқул келди. Ярим йилдаёқ цех қурилиб, фойдаланишга топширилди. Баланс қиймати 123,3 минг сўмлик қурилиш учун ташқаридан ишчи кучлари жалб этилмади. Колхоз қурилиш бригадасининг ўзи бу ишни уддалади.

Бир вақтлар колхозда етиштирилган мева, сабзавотлар ўнлаб чақирим узоқликдаги консерва заводларига олиб бориб топширилади. Қанчадан-қанча ортиқча харажатлар қилинарди. Транспорт, ёнилғи-мойлаш материаллари танқислигини айтмайсизми?! Консерва заводлари ёнида навбат кутишлар-чи! Пешонатери эвазига етиштирилган ноз-неъматлар сифатига путур етарди. Энди-чи? Овора-ю сарсонгарчиликларга чек қўйилди.

Ўтган йили цехда 72,2 минг шартли банка компот ва консерва тайёрланди. Олма, ўрик, шафтоли компоти, тарвуз, бодринг, помидор, патисон, саримсоқ консервалари истеъмолчиларга етказиб берилди. Колхозда етиштирилган 79,5 тонна мева, сабзавот қайта ишланди. Бу янгилик лотни буюртмачилар цехнинг ўзидан олиб кетишмоқда.

— Цехнинг иккинчи линиясини ишга туширишни ҳам режалаштириб қўйдик, — дейди колхоз раиси Комил Собиров. — Бу йил ёзда ишни икки сменада ташкил қилиб, ишчилар сонини 40 нафарга етказамиз. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда цех қурилишига кетган сарф-харажат бир йилда қопланади.

Айни пайтда хўжаликдаги асфальт цехи ҳақида ҳам гапириб ўтиш жоиздир. Ў ерда 31 киши меҳнат қилади. Цех ўтган йилнинг ўзида 121,9 минг сўм соф фойда келтирди. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ёмон эмас. Ўтган йили ҳар бир ишчи ўртача 4 минг 836 сўмдан иш ҳақи олди.

Ғишт цехи ишга тушганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Бу соҳадан ҳам колхоз минглаб сўм фойда олмоқда. Шуниси қувончлики, маҳсулотнинг асосий қисми шахсий уй-жой қураётган аҳолига сотилмоқда. Бу эса қурилиш материаллари танқис бўлиб турган ҳозирги шароитда кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Ёғоч тилиш цехи ҳақида ҳам илиқ сўзларни айтиш мумкин. Бу цехда ўтган йилнинг ўзида 9,2 минг сўм фойда олинди. Бундан ташқари автосервис, умумий овқатланиш тармоқлари ҳам колхозчиларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилмоқда.

Ҳа, ҳақиқатан, интилиш бор жойда самара ҳам бўлади. Зеро, колхоз иқтисодий жиҳатдан анча ўнгланиб, ҳозирги пайтда 1 миллион 700 минг сўмлик маблағга эга бўлгани фикримизнинг далилидир. Кўриниб турибдики, хўжалик тажрибаси оммалаштиришга арзийди.

**Д. ҚИРГИЗБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## Деҳқончилик саноати: тажриба, ташаббус, муаммо

# РАИСЛАР ЎЗГАРАВЕРДИ

### ЛЕКИН КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЎЗГАРМАДИ

КУРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР АНИҚ-РАВШАН ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛИШДА БЎЛИШИ, БИРИНЧИ НАВБАТДА АҲОЛИНИНГ КАМ ҲАҚ ОЛАЁТГАН ТАБАҚАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШИ ЗАРУР.

**(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасидан).**

Шаҳрисабз районидаги Ленин номли, Энгельс номли колхозлар қишлоқларини шаҳарга қиёс қилиш мумкин. Афсуски, Яккабоғ районидаги «Шарқ юлдузи» колхози қишлоқларида бутунлай бошқача манзара кўзга ташланади.

Колхоз маркази — Дархон қишлоғидамиз. Эгри-бугри кўчалар, нотекис, қишда лой. ёзда тупроқ йўллар ва нураб бораётган пахса деворли уйлар... Аҳолининг турмуш даражаси қандай эканлигини мана шу манзара кўз-кўз қилиб турибди. Ҳозиргача қишлоққа табиий газ келтирилмаган, хонадонлар тўла водопроводлашмаган.

Колхоз партия комитети секретари Ҳотам Эшқобилов билан қишлоқлардаги социал-маданий объектлар ҳақида суҳбатлашамиз. Бироқ гапимиз унчалик қовушмасди. Зотан айнан шу соҳадаги ишлар колхоз правлениеси ва партия комитетининг эътиборидан четда қолган эди.

— Эски бўлса ҳам ҳаммом, маиший хизмат кўрсатиш комбинати бор, — дейди у бамайлихотир.

Бироқ партком секретари ишламайдиган ҳаммомни бизга кўрсатишга журъат этолмади. Боз устига коммунистлар етакчиси бир неча ойдан бери маиший хизмат уйи ёпиқ турганлигини билмас экан. Атрофимиздаги одамларнинг луқмаларидан сўнг у ноқулай аҳволга тушиб қолди.

— Менимча ишлар эди,— деди ҳижолатомуз кулимсираб секретарь.

— Қишки ва ёзги кинотеатрлар борми?

— Энди қуриляпти.

— Болалар боғчаси-чи?

— У ҳам битай деб қолди.

— Спорт майдончаси-чи?

— Улуғбек номли ўрта мактаб стадионидан фойдаланяпмиз.

Мулоқот давомида ободончилик билан боғлиқ бўлган қайси объект ҳақида суриштирмайлик, секретарь «энди қуриляпти» дейишдан нари ўтмади.

Очиғини айтганда, раислар келиб кетаверишди, лекин колхозчиларнинг турмуш шароити ўзгармади. Икки йилдан буён хўжаликка раҳбарлик қилаётган Қудрат Жумановдан одамлар кўп нарсаларни кутишган эди. Бироқ ҳозирча уларнинг умидлари ушалмаяпти. Ўтган йили халқнинг талабига биноан ва район партия комитетининг қистови билан колхозда бир қатор социал объектлар қурилишига маблағ ажратилди. 11 та қишлоқдан 8 тасининг бош плани тайёрланди,7 километр йўл асфальтланди. Ночор аҳволдаги мавжуд 4 та мактабдан учтасига қўшимча бино қуриш чоралари кўриляпти. Лекин бу ҳол ободончиликка жиддий киришилди, деган маънони англатмайди. Колхозчиларнинг турмуш шароитини, қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартириш учун кескин, дадил чоралар кўриш зарур.

— Мен Хайри Юсупов бошлиқ бригадада ишлайман, —дея гап бошлади Дархондаги бир хонадонда бўлганимизда уй бекаси Маҳбуба Эргашева. — Кўпи билан 60—70 сўм маош оламан. Алам қиларкан, эрта-ю кеч тиним билмай ишласак-да, қарилик нафақасидан ҳам кам ҳақ олсак. Турмуш ўртоғим Ислом Норқобилов ўрмон хўжалигида оддий ишчи. Икки фарзандимиз бор. Эр-хотиннинг топганимиз рўзғорни тебратишга базўр етади. Кундалик харажатлардан орттириб оддий телевизор олишга имконият тополмаяпмиз. Ўзингиз ўйланг: тўрт кишига бир ойда 150—170 сўм нима ҳам бўларди. Биз ҳам яхши кийинишни, яхши ҳаёт кечиришни истаймиз.

Очиғини айтганда ушбу хонадонга кириб уй эгаларини ҳам ҳижолатга қўйдик. Ичкарида оддий кўрпачалардан бўлак нарса кўзга ташланмасди. Рўпарадаги хонадонда ҳам аҳвол шу экан. Икки рўзғор учун бор-йўғи битта «Рассвет» телевизори хизмат қилар экан. Бу ачинарли аҳволни кўриб хўжалик бош иқтисодчиси Кўчар Пардаевнинг виқор билан бизга ўқиб берган рақамлари хаёлимга келди. Колхоз давлатга 1988 йилда пахта, сут, тухум, пилла етказиб бериш планларини ошириб бажариб, 4 миллион 31 минг сўм даромад қилган. Ўтган йили пахта тайёрлаш плани 97,3 фоизда қолди. План бажарилмаган бўлса ҳам ингичка толали пахта тайёрлаш кўпайганлиги сабабли даромад ёмон бўлмади.

Пахтачиликда юқори ҳосилли Эшмурод Қобулов, Бойқобул Назаров бошлиқ бригадалар, Ашур Зокиров, Ҳалим Иброҳимов, Холмурод Алимардонов бошлиқ звеноларнинг аъзолари ҳар бир сўм иш ҳақига 70 тийиндан 1 сўмгача қўшимча ҳақ оладиган бўлишди. Лекин бу маблағ оила тебратиш учун, ўртача кун кечириш учун етармикан? Йўқ, албатта.

Биз колхознинг Абдушукур Абдураҳмонов бошлиқ бригадаси аъзоси Шайдулла Бегалиев оиласининг бир йиллик даромадини ўрганиб чиқдик. Оила бошлиғи, турмуш ўртоғи Дилором, қизлари Маҳфуза ва Дилфузалар йил давомида қўшимча ҳақ билан 4300 сўм атрофида даромад қилишибди. Очиғи бу сумма ойма-ойига тақсимланганда тўрт колхозчининг ҳар бирига 80—90 сўмданга тушади. Хўш, 80 сўм билан тирикчилик қилиб бўладими? Шунингдек, даромад олишда энг юқори кўрсаткичга эришган Хайрулла Юсупов бошлиқ бригаданинг Маҳмуд Ҳатамов, Эрназар Раҳимов сингари аъзоларининг ишлаб топган даромадлари ҳам кундалик турмушни юритишга зўр-базўр етади, холос.

Кўряпсизми, қишлоқдаги қашшоқ ҳаётнинг туб илдизлари қаерда? Бу энг аввало, қишлоқ аҳли меҳнатининг қадрланмаслигида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархининг пастлигида ва ниҳоят қишлоқларни социал-маданий ривожлантиришга жиддий эътибор берилмаслигидадир.

— Миллионлаб фойда олганимиз билан бу маблағнинг асосий қисми техника, ёнилғи-мойлаш ва қурилиш материаллари сотиб олишга кетяпти, — дейди колхоз тафтиш комиссиясининг раиси Нафас Қурбонов. — Боз устига қишлоқ хўжалик техникаси ва минерал ўғитларнинг нархи кундан-кунга кўтарилиб боряпти. Очиғини айтганда колхозчиларимизнинг 40 фоиздан зиёди ночор ҳаёт кечираётганлигини тан олишимиз керак. Шу боисдан уларнинг турмуш шароитини яхшилаш фақат колхозгагина эмас, балки партия ва совет идораларига, республика ва Иттифоқ ҳукуматига боғлиқ эканлигини унутмайлик.

Биз колхоз қишлоқларида кўп марта бўлганмиз. Сўнгги бор бўлганимизда ҳам у жойларда ободончилик йўлида олиб борилаётган тадбирларга, янги қурилаётган социал объектларга, уй-жойларга кўзимиз тушмади. Майли, бу ишларнинг кўпчилиги беғам раисларнинг виждонига ҳаволадир. Аммо ҳақиқатни айтадиган бўлсак, киссасида сариқ чақаси бўлмаган бечора деҳқон нима ҳисобидан уй қурсин? Магазинларда, омборларда қурилиш материаллари, уй-рўзғор буюмлари текинга берилмайди-ку? Ҳар бир оила фаровон ҳаёт кечириши учун энг аввало ана шу оиланинг ўзида ички имконият, етарли даромад бўлиши керак. Халқимизда бўш қоп тик турмайди, деган мақол бор. Бугунги кунда деҳқоннинг турмуши ҳақида қайғуриш, қишлоқ болаларининг келажагини ўйлаш партия ва совет органларининг энг муҳим иши бўлиб қолмоғи лозим. Зотан, юртни боқадиган, кийинтирадиган ҳам ана шу деҳқон оиласидир.

**М. КАРОМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**



## Истиқболга бир назар

Карл Маркс номли колхоз ўзининг ташаббускорлиги, фан ютуқлари ва механизациядан фойдаланишда намуна кўрсатаётгани, янгиликка ўчлиги ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга дадил татбиқ этишдаги омилкорлиги билан нафақат Тошкент районида, балки вилоят, жумҳуриятимизда ҳам таниқлидир.

Колхоз аҳли ўтган мавсумда, яъни деҳқончилик учун нохуш келган 1989 йилда 8 минг тоннадан зиёд сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариб, шундан салкам 7900 тоннасини давлатга топширди. Бу аввалги йиллардагига нисбатан 2-2,5 минг тонна маҳсулот кам ишлаб чиқарилди, деган гапдир. Табиий офатни ўз бошида синаб кўрган вилоятдаги кўпгина хўжаликлар зарар кўришди ёки арзимас иқтисодий самара олдилар. Бироқ мазкур колхозда зарар ўрнини қоплаш масаласи олдиндан ҳал қилиб қўйилган эди. Теплица хўжалиги ривожлантирилгани, сабзавот ва мевани сақлаш, қайта ишлаш қувватлари ошишига эришилганлиги шулар жумласидандир. Теплицадаги ҳар квадрат метр майдондан 22-23 килограммдан ҳосил олинди. Тажрибали сабзавоткор Обид ака Исломов бошлиқ оилавий звено ерларидаги бу кўрсаткич пландаги 11 ўрнига 25 килограммни ташкил этди. Фақат шу тармоқнинг ўзидан салкам 1,5 миллион сўм умумий даромад олинди.

Қайта ишлаш корхонаси хўжаликнинг иқтисодий жиҳатдан юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Бу ерда 20 хилдан зиёд маҳсулот қайта ишланиб, консервалаштирилаётир. Айниқса, смородина, малика, помидор, мандарин, қулупнай, лимон шарбатлари ва гулкарам, болгар қалампиридан тайёрланган консерваларни шаҳар аҳолиси чаққон харид қилмоқда. Ўтган йили қайта ишлаш корхонаси хўжаликка 450 минг сўм соф фойда келтирди.

Колхознинг шаҳар территориясидаги 4 та фирма дўконида айни пайтда 10 хилдан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бор. Жорий йилда улар сони яна шунчага кўпайтирилади. Юнусобод массивидаги колхоз ошхонасида янги сўйилган мол гўштидан тайёрланган турли миллий таомлар пойтахтликларни мамнун этмоқда. «Марказ-5» да қурилиши тугалланай деб қолган чойхона биноси оригиналлиги, миллийлиги билан ажралиб туради.

— Биз фақат ўзимизни ўйлаганимизда хато бўлур эди, — деди колхоз раиси Рустам Акбаров, — пойтахт аҳолисини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш деҳқонларнинг бурчидир. Мақсадимиз, барча «аъй-ҳаракатимиз ҳам ана шу бурчга содиқ бўлиш. Биз шаҳарликларни сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъмин этар эканмиз, бунинг учун аввало, деҳқонларимиз моддий, ижтимоий ва маиший аҳволини янада яхшилашни доимо ёдда тутамиз. Бунинг учун эса меҳнатни ташкил этиш, хўжалик юритишнинг турли шакл-усулларидан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Ўтган йилнинг ўзидаёқ колхоз 1,5 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда кўрди. Ҳар бир колхозчининг ўртача ойлиги 234 сўмни ташкил этди. Шу боис бизда ишчилар қўнимсизлигига чек қўйилган...

Раис жуда кўп нарсаларни фактларга таяниб гапириб бериши мумкин эди. Лекин юқорида келтирилган айрим асосларнинг ўзиёқ хўжалик ва унинг меҳнаткаш кишилари бугуни, эртаси ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

**А. МАННОПОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири. Тошкент области.**

✦

**Суратларда: 1. Звено бошлиғи О. Исломов. 2. Ишчи Б. Усмонов (чапда) ва омбор мудири О. Жабборов ҳосилни саралашаётир. 3. Д. Исмоилова ва Б. Шуманов консерваларни кўздан кечиришмоқда. 4. Фирма дўконида. Сотувчи А. Содиқов.**

**В. ТУРАЕВ олган суратлар.**



## ЧЎЛҚУВАРЛАР БОҒИ

**● Ўтган йили Октябрь районидаги (Жиззах вилояти) «Уч қаҳрамон» совхозида 4 гектарли янги боғ барпо этилган эди. Бу йил у 40 гектарга кенгайтирилди.**

Янги ўтказилган олма, узум, нок, шафтоли, ўрик ва анор ниҳолларини Шакар Самандаров звеноси аъзолари меҳр билан парвариш қилишаётир. Кўчатлар баравж ўсиши учун қатор ораларига сифатли ишлов берилмоқда. Маҳаллий ўғитлар солиниб, қондириб суғорилмоқда. Яқин келажакда боғ-роғлардан ширин-шакар мевалар олиниб, эл дастурхонига тортиқ этилади. Бу биринчидан маъмурчиликни таъминласа, иккинчидан хўжалик ишчиларининг ҳамёнига мўмай даромад келтириши тайин.

**Ш. РУЗИЕВ.**

# ТОМОРҚАНГИЗДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНЯПСИЗ?

Инқилобий қайта қуришнинг асл мақсади нима?

Бу саволга жавобнинг кўлами ниҳоятда кенг. Аммо, менинг билишимча, буларнинг ҳаммаси халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги интилишларга келиб тақалади. Умуман, турмушимиздаги муаммолар, масалалар бир-бири билан шунчалик боғланиб кетганки, уларни алоҳида-алоҳида тасаввур қилиш қийин. Масалан, халқ фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири озиқ-овқат мўл-кўлчилигини яратишдан иборат. Бу мўл-кўлчиликни амалга ошириш учун эса ердан оқилона ва тадбиркорлик билан фойдаланиш зарур. Бу гаплар илгари ҳам айтилган, бугун ҳам, эртага ҳам такрорланаверади. Бироқ бирор амалий чора кўрилмас экан, бу эски пластинканинг бир маромдаги куйига тебранаверамиз, тебранаверамиз...

Минг шукроналар бўлсинки, партия ва ҳукуматимиз аниқроғи, партия ва ҳукуматимизнинг бугунги раҳбарияти деҳқоннинг дардини тўғри тушунди. Якка деҳқон хўжаликларига 0,25 гектаргача ер бериш ҳақидаги қарори жуда кўп муаммоларни тўғри ва реал ҳал қилишнинг имконини яратмоқда.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда жумҳуриятимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити ёмонлашиб кетди. Колхозларда ишлаган аксарият деҳқонларнинг маоши ўртаҳол кун кечириш учун ҳам етарли эмас. Қўшимча даромад олай деса, томорқаси — бир қарич. Ўзингиз ўйлаб кўринг: қишлоқ шароитида 4 сотих ер нима деган гап. у ҳам катта тидаги муҳим ҳужжат деб атагим келади.

Лекин шуни айтиш керакки кўпгина вилоятларда, жумладан Андижон вилоятида ушбу қарор аҳоли зич жойлашган деган баҳонада жуда катта чекланишлар киритилиб, қондириб суғорилмоқда. Яқин келажакда боғ-роғлардан ширин-шакар мевалар олиниб, эл дастурхонига тортиқ этилади. Бу биринчидан маъмурчиликни таъминласа, иккинчидан хўжалик ишчиларининг ҳамёнига мўмай даромад келтириши тайин.

**Ш. РУЗИЕВ.**

# ТОМОРҚАНГИЗДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНЯПСИЗ?

қийинчиликлар эвазига берилди. Натижада дўконлардан файз кетди: сариёғ йўқолди, бозорда эса мева-чева танқислиги бошланди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозор нархи кескин ошиб кетди. Боз устига халқимиз азалдан серфарзанд: бир хўжалик амалда иккиуч оиладан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам қишлоқда ишчи кучи кўпайиб, оилалар даромади камайиб бормоқда. Аҳолининг шахсий ери камлиги учун деҳқон ердан бегоналашмоқда. Ота-боболаримиздан ўтиб келаётган бой тажриба унутиб қўйиляпти. Ерни деҳқонларга бериш тўғрисидаги ҳукумат қарорини шу туфайли ҳам ўз вақтидан бажарилмоқда. Бу эса жойлардаги раҳбариятнинг чуқур иқтисодий таҳлил илмига муҳтожлигидан далолат бермоқда. Келинг, яхшиси бир иқтисодчи, деҳқон сифатида 0,25 гектар ер деҳқонга берилиб, унга турли экинлар экилганда олинадиган йиллик даромадни хомаки чўтлаб кўрайлик.

Маълумки, томорқа участкаси бериш билан уй-жой қуриш учун сарфланадиган ер майдони — 0,03 гектар бўлади. Фойдаланиш учун қоладиган ер майдонининг 0,22 гектарига 3,5х3,5 схемада бодом экилганда, умумий кўчатлар сони 183 тупга етади. Агар экилгандан бошлаб ҳар туп бодомдан 5-6 йил ичида йилига 3 килограммдан ҳосил олинса, жами йиллик маҳсулот 549 килограммни ташкил қилади. Бир килограмм бодомнинг нархи 8 сўм бўлса, деҳқоннинг жами даромади 4342 сўмга боради. Агар бодом ораларига чорва учун ўт-хашак экилса, 39,6 центнер хашак олинади ва пировардида моллардан бир йилда 1 тонна сут, 0,1 тонна гўшт олиш мумкин бўлади. Сутнинг нархи 26 тийин, гўштнинг нархи эса 3 сўм деб ҳисоблайдиган бўлсак, деҳқон яна қўшимча 560 сўм, умуман эса 4952 сўм даромад қилади.

Томорқа участкасига 5х5 схемада ўрик экилса, кўчатлар сони 88 туп бўлади. Ҳар тупдан ўртача 50 килограммдан ҳосил олинса, 4,4 тонна ўрик маҳсулоти жамгарилади. Агар ҳар килограмм ўрик 40 тийиндан турса, деҳқоннинг жами даромади 1760 сўм, дарахт ораларига чорва озуқаси экилиб, гўшт, сут баҳоси билан қўшганда эса 2320 сўм даромад олинади.

Худди шундай томорқа участкасига 5х5 схемада ёнғоқ экилса, (бир килограмм ёнғоқнинг баҳоси 4 сўм) жами даромад 5840 сўм. 4х4 схемада олма экилса (баҳоси 30 тийин), 1802 сўм, 4х3 схемада узум экилса (баҳоси 28 тийин), 2097 сўм даромад қилинади.

Агар томорқа участкасига полиз маҳсулоти экилиб, ҳар квадрат метрда икки тупдан полиз кўчати бўлса, 22 тонна полиз маҳсулоти олинади. Деҳқоннинг даромади эса гўшт ва сут маҳсулотлари билан қўшиб ҳисоблаганда 3200 сўмга боради. Шунингдек, 60х40 сантиметр схемада дон учун оқ жўхори экилиб, 18400 дона уянинг ҳар биридан 400 граммдан ҳосил олинса, 7,36 тонна ҳосил ёки жами 3452 сўм даромад қилинади.

Бу таҳлилда биз ердан фойдаланишнинг бир марта экиш усулини кўрсатдик, холос. Одамлар одатда томорқа ерларидан 2-3 маротаба ҳосил оладилар. Масалан, кузда сули экилади, апрель ойида эса уни йиғиштириб, ўрнига жўхори ёки бошқа сабзавот маҳсулоти экилади. Жўхорининг орасига қизилча ёки шолғом ҳам экиш мумкин.

Бу мисолларни кўпчилик хом хаёл деб ўйлаши ҳам мумкин. Мен аслида бу гапларни оилавий турмуш тарзимдан, тажрибаларимдан келиб чиқиб айтяпман. Тўғри, ҳозир бизнинг томорқамиз ҳам кам — бор-йўғи 12 сотих. Бу ҳовлида икки ўғлим оиласи билан туради. Лекин шу кичкина томорқамиздан ҳам йилига 1—1,5 минг сўм даромад оламиз. Ҳовлида узум, анор, ёнғоқ ва бошқа мевали дарахтлар ўсади. Томорқа кўпайса, нур устига аъло нур.

Деҳқонларнинг томорқа ерларини кенгайтириш жумҳуриятимиздаги энг муҳим муаммо — озиқ-овқат, мева-чева, гўшт ва сут танқислигини бартараф этишнинг ягона йўлидир. Ана шунда ҳамманинг дастурхони ноз-неъматларга тўкин-сочин бўлади.

**А. ИСМАНОВ,**
**Андижон районидаги парандачилик фабрикаси иқтисодчиси.**

## Касаба уюшмаси ҳаёти: халқ ва армия якдиллиги

**«Салом, ўзбекистонлик йигитлар!**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши Волгабўйи-Урал ҳарбий округида хизмат қилаётган ўзбекистонлик жангчиларга жумҳуриятдаги таниқли кишиларнинг мурожаатномалари ёзиб олинган магнит ленталарини ҳамда ўзбек тилидаги китобларни юборяпти.**

**Қисмлар ва бўлинмаларнинг кўп миллатли коллективига байналмилал дўстликни мустаҳкамлаш ҳамда жанговарлик маҳоратини оширишда, Ватанни мудофаа қилишдек шарафли бурчни аъло даражада бажаришда катта муваффақиятлар тилаймиз.**

**Ҳ. А. АЛИМОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг раиси».**

Бундай хат ва совғалар мамлакатдаги 50 дан ортиқ ҳарбий қисм ва округларга жўнатилди.

Яқинда Ўзбекистон Касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши ҳарбий қисмлардан жавоб хатлари, округ газеталарини олди. Жумладан, Қизил байроқли Волгабўйи-Урал ҳарбий округининг газетасининг биринчи саҳифасида босилган мақолада шундай дейилган:

«Округ қисмларида турли ҳарбий соҳаларни пухта ўзлаштирган кўп сонли ўзбек йигитлари ҳам хизмат қиляпти. Улар орасида танкчилар ва артиллериячилар, мото-ўқчи ва алоқачилар, авиаторлар ва ракетачилар бор.

Округда ўзига хос бўлган қисмлар тури — ҳарбий қурувчилар отрядлари ҳам хизмат қилмоқда. Улар орасида ўзбек солдатлари ва сержантлари кўп. Бир пайтда ишлаш, ўқиш ва ҳарбий хизматни ўташ қийин, албатта. Бироқ қурувчилар ўз вазифаларига масъулият билан ёндашиб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистондан юборилган совғаларни топширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Сўзга чиққан полковник Н. Красний касаба уюшмалари жумҳурият кенгашидан келган хатни ўқир экан, саҳнага ҳарбий қурувчилардан оддий солдат Ф. Бердиев, О. Эгамбердиев ва Ш. Сотиволдиевни таклиф қилди ва уларга совғаларни топширди. Оддий солдат Ф. Бердиев қурилиш бошқармасидаги барча қурувчи ўзбеклар номидан ватандошларига, жумҳурият хотин-қизлар кенгаши раиси Ҳалимахон Алимовага, барча ўзбек оналарига ғамхўрлик ва эътибор учун катта миннатдорчилик билдиришни илтимос қилди».

Қўлимизда яна бир нечта хатлар. Шулардан баъзиларини айнан келтирамиз:

**«Н» қисмининг партия ва комсомол ташкилотлари шуни маълум қиладики, ҳарбий хизматни ўтаётган денгизчиларга юборган совғаларингизни олдик. Бизнинг кема коллективимиз — кўпмиллатли. Улар орасида ўзбек йигитлари ҳам хизмат қиляпти. Улар ўзларининг юксак маҳорати, пухта интизоми билан жанговар тайёргарликда намуна кўрсатяптилар.**

**Кечагина улар ёш эдилар. Ҳарбий кийим кийгач Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячиларига айландилар. Ҳар бир йигитнинг икки касби бор. Улардан бири танлаган касби бўйича токарь, қурувчи ёки механизатор, инженер, ўқитувчи бўлса, иккинчиси эса ҳамма учун яғона — Ватан ҳимоячисидир.**

**Уз фарзандларини Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотига хизматга жўнатган ота-оналарни ишонтириб айтамизки, фарзандларингиз ҳарбий сафда улғайиб, куч-қувватга тўлиб, чиниқиб, суянчиғингиз бўлиб бағрингизга қайтадилар.**

**А. В. КОНОПЛЕВ,**
**командир, Мурманск области.**

* * *

**«Бўлинмаларимизда ўзбек йигитлари кўпчиликни ташкил қилади. Улар учун она юрт тўғрисидаги янги хабарлар, ўзбек тилидаги китоблар гоят қиммати совға бўлди.**

**Мен сизларга алоҳида илтимос билан мурожаат қилмоқчиман. Агар иложи бўлса, бизга мусиқа асбоблари, миллий кийимлар, китоблар, эстрада қўшиқчиларининг овози ёзиб олинган магнит ленталари ва пластинкалар, республика ҳақидаги слайдларни юборсангиз. Бизда бундай нарсалар жуда кам, шунинг учун ҳам турли кечалар ва йиғилишларни ўтказишнинг иложи бўлмаяпти. Яна имкони бўлса, таниқли кишиларнинг тилаклари, оналарнинг фарзандларига ҳарбий бурчни ҳалол ўташга ундовчи мурожаатномаларини юборинг.**

**Яширишнинг ҳожати йўқ, кейинги пайтларда матбуотда ички қўшинлар шанига ҳар хил бўҳтон ва уйдирмалар ёғдирилмоқда. Совет кишиларининг тинч яшашлари ва меҳнат қилишлари учун ички қўшинлар қанчалик зарур эканлигини фақат хизмат бурчини ўтаётган йигитларгина англаб етадилар.**

**А. В. КОСИХ,**
**Свердлов области, Н-қисм».**

* * *

# МУЛОҚОТ

**«Ҳарбий хизматчиларни Ватанга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаганингиз учун сизларга миннатдорчилик билдирамиз. Шимолий денгизчилар ўзбек халқининг тарихи ва анъаналарига зўр ҳурмат билан қарайдилар. Ҳарбий коллективларда байналмилал дўстлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш учун алоқаларимизни мустаҳкамлаймиз.**

**Д. МАКРУШИН,**
**Н-қисм».**

* * *

Мамлакатнинг турли регионларида жойлашган ҳарбий қисмларда ўзининг йигитлик бурчини муваффақият билан ўтаётган ўзбек йигитлари билан доимий алоқада бўлиш, уларнинг ҳарбий хизматни қандай адо этаётганлиги ҳақида мунтазам хабардор бўлиб бориш республика партия, совет, касаба уюшмаси ва комсомол ташкилотининг кундалик ҳаётидан муҳим ўрин эгалламоқда.

Республика вакиллари тез-тез ҳарбий қисмларда бўлиб, учрашувлар, суҳбатлар ўтказмоқдалар. Ўзбекистон Касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг шу йил бошида бошлаган муҳим тадбири ана шу йўлда қўйилган катта бир қадам бўлди. Касаба уюшмалари махсус маблағ ажратиб, ўзбек ёзувчилари ва шоирларининг ўзбек тилида чоп этилган китобларини сотиб олиб ҳамюртларимиз хизмат қилаётган элликдан ортиқ қисмга юборди. Ана шу совғалар орасида республика иқтисодиёти ва маданиятининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган таниқли кишилар, уруш ва меҳнат ветеранлари, кўп болали Қаҳрамон оналарнинг, шунингдек, медицина фанлари доктори, профессор, уруш ветерани Муқаддас Ашрапова, Уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент кенгашининг раиси Собир Охунжонов, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Ҳадича Солиҳованинг фарзандларга бағишланган дил сўзлари битилган магнит ленталари, Шерали Жўраев, Насиба Абдуллаева каби якка хонандалар, «Ялла», «Садо» эстрада ансамбларининг куй ва қўшиқлари ёзилган ленталар ҳам бор.

Касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши ўзи бошлаган хайрли ишни бундан кейин ҳам изчил давом эттиришга қарор қилди. Яқин кунларда кўпчилик ҳарбий қисмларга мусиқа асбоблари ва видеоленталар юборилади.

Ҳа, ўзбекистонлик йигитлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар билан алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда.

**Г. САТТОРОВА,**
**Ўзбекистон Касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши матбуот марказининг мухбири.**

## ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

Қўшкўпир районидаги «Ленинград» колхози деҳқонлари яхши етилган ерларга барака уруғи қадашни намунали олиб боришмоқда. Нам тупроққа тушган чигит тезда униб чиқиб, бақувват ниҳолларга айланади. Шунинг учун ҳам миришкорлар ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга интилмоқдалар.

Коллектив аъзоларининг бу йилги мўлжали юксак. Улар ҳар гектар майдондан 32 центнердан ҳосил олишни ният қилишган. Механизатор Баҳодир Полвонов чигит экиш мусобақасида пешқадам. Моҳир пахтакор Ёқутжон Рўзметова эса мўл ҳосил иштиёқида астойдил меҳнат қилаётир. Хулласи, азамат деҳқонлар бу йил пахтачилик соҳасидаги ютуқларни янада кўпайтирамиз, демоқдалар.

● *Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан*

# ОТАХОН, ОТА...

Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округига қарашли савдо идораси ходими Миржалол ота Каримовни ҳамкасблари шундай аташади. У ҳалол меҳнат қилиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлган. Жанубий сарҳадларимиз ҳимоячиларига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, уларни озиқ-овқат билан таъминлашда ҳиссаси катта.

Умр — оқар сув, деб бежиз айтишмаган экан. Отахон бу даргоҳга келганига эллик йилдан ошибди. Эллик йил!.. Бу айтишга осон.

— Отам Миркарим ака олтмиш ёшида тўсатдан вафот этди. Бу пайтда мен ўн етти ёшда эдим. Катта ўғил бўлганим туфайли рўзғор ташвишлари барвақт менинг бошимга тушди. Ўзимдан кейинги укам ва сингилларимни вояга етказиш, уларни жой-жойига қўйиш ташвишлари онам билан менинг зиммамда эди, — дея ҳикоя қилди отахон. — Мен ҳаётда кўплаб яхши одамларга дуч келганимдан беҳад хурсандман. Бу ерга ишга келганимда куч-қувватга тўлган, барваста йигит эдим. Оддий сотувчи сифатида ишлай бошладим. У пайтларда идорамиз бор-йўғи уч-тўртагина дўконга хизмат кўрсатарди. Ҳозир эса юзга яқин дўкон, 12 та ошхона бизнинг тасарруфимизда. Ҳалол меҳнат қилдим. Оилали, бола-чақали бўлдим. Ўғил-қизларим ҳам камолга етишди. Улар ҳам қўлларидан келганча эл-юртга хизмат қилишяпти.

Агар ҳамкасбларига Миржалол ота ҳақида сўз очсангиз уларнинг чеҳраси ёришиб диллари яйраб кетади:

— Агар отахонга ўхшаган ишбилармон ходимлар кўпроқ бўлса, раҳбарнинг ҳожати бўлмасди, — дейди маҳаллий комитет раиси полковник А. Н. Васильев. — Унинг қўлидан ҳар куни камида 30, 40, 50 тонна юк ўтади. Деярли ҳар куни шунча юк қабул қилиниб, шунча юкни тегишли дўконлар ва ошхоналарга жўнатилади. Бу ишларнинг барчасига Миржалол ота бош-қош.

— 1941 йилдан буён отахон билан бирга ишлаётган Ш. Т. Бекмуродов. — Уларни ўз устозим деб биламан. Фақат мен эмас, кўпчилик ёшлар ҳам уларни ўз устозлари, мураббийлари деб билишади.

Меҳнат қилган элда азиз, деб бежиз айтишмаган. Миржалол отанинг ҳалол ва сидқидилдан қилган меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ҳурмат белгиси» ордени, икки марта республика Олий Советининг «Фахрий ёрлиғи», «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушида шавкатли меҳнати учун» медали, «Совет савдоси аълочиси» нишони ва бошқа кўплаб мукофотлар соҳиби.

Отахон ҳозир кексалик гаштини сурмоқда. У тўрт ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказди. Улар турли касб эгалари. Миржалол ота фарзандлари орасида тикувчи, ҳайдовчи, журналист, ота касбини давом эттираётганлари ҳам бор.

— Касбнинг катта-кичиги бўлмайди, олим бўлма, одам бўл, — деган нақл бор доно халқимизда. Энг муҳими, яхши инсон, ҳалол — пок одам бўлинг, дея таълим беради Миржалол ота ўз фарзандларига.

Дарҳақиқат отахоннинг фарзандлари ўзлари каби одамохун, камтар. Шу боисдан уларга ҳавас қилса арзийди.

Дам олиш кунлари, байрамларда отахон хонадони айниқса гавжум бўлиб кетади. Уни кўргани келган набиралари, жажжи чеварларининг шўх кулгиси, чуғур-чуғури атрофдан эшитилади. Бундан сармаст бўлган Миржалол отанинг ҳаётга муҳаббати янада ортади, қалбида яшашдан завқланиш туйғулари чаппар уради.

**М. ЗИЯЕВА.**

● ЁН ДАФТАРДАН

# ЖАНГГОҲ ҲАНГОМАЛАРИ

Қўл-оёқдан яраланган Акбарали ака госпиталга келгандан кейин ҳамшира анкета тўлдира бошлади.

— Қайси фронтда бўлгансиз?

— Фронтингни билмайман, учта дарёдан ўтганмиз.

— Қаерда яраландингиз?

— Қишлоқнинг номини айтолмайман. Нонни «пини», сутни «липти» дейдиган қишлоқда.

— Молдавияда денг?

— Ҳа, Молдавияда бўлган эканманми?

●

Кампир аскардан сўрар эди:

— Ухлаётганингда тагингга нима тўшайсан, болам?

— Шинель, — жавоб берди аскар.

— Бошингни нимага қўясан?

— Шинелга.

— Устингга нима ёпинасан?

— Шинель.

— Ундай бўлса биттасини менга беракол, — деди кампир.

— Онажон, шинелимнинг ўзи битта, — жавоб қилди аскар.

●

Аскарнинг тўртта дўсти бор. Биринчиси милтиқ — ёвдан сақлайди, Иккинчиси белкурак — хандақ қазийди, Учинчиси кателок билан қошиқ — овқатлантиради. Яна бир дўсти бор — шинель, йўл юрганда ортиқча юк.

●

Ротамизнинг оқсоқоли Баҳодир акани бахтли чол дер эдик. Сабаби юртимиздан юборилган совға-саломни тақсимлаётганда албатта унга «Қаҳрамон жангчига» деган чиройли қизларнинг сурати чиқар эди. Кекса эмасми, ҳалиги қизнинг суратини ёшларга «қалин моли»га алмаштирарди. Шундай қилиб, Баҳодир ака ҳаммамизни «уйлантирган» эди.

**Раҳматилла ИСҲОҚОВ,**

# Владимир Николаевич КУЛИКОВ

Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер, 1940 йилдан КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, қишлоқ хўжалигининг кекса ходими Владимир Николаевич Куликов 82 ёшида вафот этди.

Владимир Николаевич Куликов 1908 йилда Ленинград шаҳрида туғилган. 1930 йили Череповецк механика техникумини ва 1944 йили ҳарбий-педагогика институтини тамомлаган.

Ўзининг меҳнат фаолиятини 1930 йилдан Бухоро области Кармана пахта заводи механигининг ёрдамчиси бўлиб бошлади. Владимир Николаевич Куликов қариб 15 йил Ўзбекистон ва Тожикистон пахта тозалаш саноатида турли лавозимларда ишлади, Тожикистон ССР тўқимачилик саноати министрининг ўринбосари бўлган. 1944—1945 йилларда ҳаракатдаги армияда бўлган.

Урушдан сўнг Қозоғистонда «Казаххлопрест» бош инженери ва бошқарувчиси, Қозоғистон ССР пахтачилик министрининг ўринбосари бўлиб ишлади, 1953—1963 йилларда Жанубий Қозоғистон областининг «Пахтаорол» совхозида директор бўлди.

Владимир Николаевич Куликов қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган. 1963—1965 йилларда Ўрта Осиё Пахтачилик давлат комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари бўлди. 1965 йилдан 1975 йилгача ўн йил мобайнида Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлган.

Владимир Николаевич Куликовни партия қаерга йўллламасин, у барча лавозимларда зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, ўз кучи ва билимини Ўзбекистон ССР пахтачилигини ва қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларини юксалтириш ишига бағишлади.

Владимир Николаевич Куликовнинг катта хизматларини партия ва ҳукумат юксак баҳолади, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, у иккита Ленин ордени, иккита Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, медаллар билан мукофотланган.

Умрининг сўнгги кунларигача Владимир Николаевич Куликов республика жамоат турмушида фаол қатнашиб келди.

Владимир Николаевич Куликов хотираси уни билган ва у билан бирга ишлаган кишилар қалбида абадий сақланиб қолади.

**Бир гуруҳ ўртоқлари.**

● *Фан ва техника янгиликлари*

## ИССИҚЛИК ТАШИГИЧ

● СССР Фанлар академияси физикавий органика ва кўмир кимёси институтида яратилган янги иссиқлик ташигич — «Армотерм» деб аталди. Янги модда юқори даражада қайнайдиган, парчаланишга мойил бўлмаган, ёпишқоқлик хоссаси кам, зарарсиз, ҳидсизлиги билан ажралиб туради. У осон тозаланиши ва бошқа барча хоссалари билан чет элникидан қолишмайди. «Армотерм» органик синтез, бўёқлар ва полимерлар саноатида кенг қўлланила бошланди.

## КЎМИР ПУФАКЛАРИ

● Америкадаги «Ультрамет» компанияси мутахассислари томонидан яратилган композит материалнинг янги хили кўпикланган кўмир асосида олинди. Кўмир зарралари орасидаги бўшлиқ турли металл ёки унинг тузлари билан тўйинтирилади. Сўнгра материалнинг устки қисми қийин эрувчи металларнинг қалинлиги 25 микрометрга тенг пардаси билан қопланади. Бу йўл билан тайёрланган материал ўзининг ўта пишиқлиги, мустаҳкамлиги, чидамлилиги, енгиллиги, иссиқликни ўтказмаслиги ва жуда юқори даражалар таъсирига чидамлилиги билан ажралади. Янги материал қандай металл қўлланилганига қараб минг даражадан тўрт минг даражагача бўлган ораликда бемалол хизмат қила олади. Кўмир пуфакларидан космик аппаратлар яратишда ҳам фойдаланиш мумкин, деган маълумотлар бор.

## «Фотоконкурс-90»

● Наврўз байрамида

В. ЖИРНОВ олган суръат.

Конкурс қатнашчилари: суратларни икки нусхада, 24х30 ҳажмдаги қоғозга тушириб, жўнатишни яна бир карра эслатиб ўтамиз. Маконимиз: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

«Мактабгача тарбия муассасаларида тарбиячи» мутахассислиги бўйича

СИРТҚИ БЎЛИМГА

1990—1991 ўқув йилига

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**Билим юртига 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар қабул қилинади.**

**Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

**Ҳужжатлар 1 турга 30 апрелгача, 2 турга 3 майдан 30 майгача қабул қилинади.**

**Кириш имтиҳонлари 1 турга 3 майдан ва 2 турга 1 июндан бошланади.**

**Кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:** ифодали ўқиш, мусиқани эшитиш қобилиятини текшириш, ўзбек тили ва адабиёти (иншо), СССР тарихи (оғзаки).

**Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:** ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат (асли), 086/У формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 4 дона фотосурат (3х4 см).

**Паспорт шахсан кўрсатилади.**

Мурожаат учун манзилимиз: 700187, Тошкент шаҳри, Красновосточная кўчаси, 112-уй (49, 63,73, 89, 112-автобусларнинг «1-Қорасув» бекати).

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА

**5, 6, 7, 8, 9 МАЙ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА**

**«ДЎСТЛАР ДАВРАСИГА МАРҲАМАТ!»**

ҚАТНАШАДИЛАР!

**Чимкентлик хушовоз хонанда**
Рустам ҒОЙИПОВ
**Ўзбекистон ССР халқ артисти**
Малика АҲМЕДОВА
**«Қизиқчи-89» конкурсининг ғолиби**
Мирза ХОЛМЕДОВ
**ва**
Гавҳар АМИНОВА, Бахтиёр ҚОСИМОВ, Ғайбулла НУРХЎЖАЕВ, Ўктам МЎМИНОВ иштирокида

КАТТА ҚОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

**Программани** — Раҳматулла МИРЗАЕВ **олиб боради.**

**Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг совриндори** Абдурашид РАҲИМОВ.

**Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.**

**Телефон 45-93-63.**

**Билетлар Спорт саройи ва СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.**


# АХБОРОТ

## Гавжум маскан

● **Узоқ йиллар Сурхондарё вилоят партия комитети сиёсий маориф уйи баъзан ойлаб ҳувиллаб турарди. Бу ердан аҳён-аҳёнда бир бўладиган тадбирлар учунгина фойдаланиларди. Энди бўлса, бу ерга мактаб ўқувчилари ва ўқув юртларининг талабалари ҳам ташриф буюрадиган бўлдилар.**

Айни кунларда бу масканда «Ленин доим сафимиздан» мавзуида кинолекторий ташкил қилинди. Унга вилоят марказидан — Термиз шаҳрининг юқори синф ўқувчилари кун бўйи навбат билан келиб, малакали муаллимларнинг доҳий ҳаётига оид ҳикояларини тинглаётирлар, бадиий ва ҳужжатли фильмларни томоша қилаётирлар.

Лекторийга мактаб ўқувчиларидан кейин ўқув юртларининг талабалари ҳам таклиф қилинади. Шунингдек, байналмилалчи жангчилар, депутатлар, маданият ва санъат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар билан шаҳар меҳнаткашларининг учрашувларини ўтказиш режалари ҳам белгилаб қўйилди.

— Маориф уйи савлат учун қурилмаган, — дейди унинг мудири Т. Н. Боброва. — У энди ҳафталаб, ойлаб ҳувуллаб турмайди. У қайта қуришга хизмат қилади.

## Баҳор неъмати

● **Воҳада баҳор неъмати — карам узила бошланди.**

Ангор ноҳиясидаги сабзавотчиликка ихтисослашган «Ангор» давлат хўжалигида, Термиз районидаги «Намуна», «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжаликларида плёнка остида етиштирилган карамнинг дастлабки тонналари эл дастурхонига тортиқ қилинди. Янги ҳосилнинг бир қисмини Свердловск, Иркутск, Хабаровск ва бошқа марказий шаҳарлар аҳолисига ҳам жўнатиш мўлжалланмоқда.

## Саломатлик маркази

● **Шеробод дарёси ёқасидаги баҳаво ва сердарахт бу жойда илгари фақат юқоридан келган баобрў меҳмонларгина ҳордиқ чиқарардилар.**

Шеробод давлат хўжалиги меҳмонхонаси ноҳия соғлиқни сақлаш бўлимининг ихтиёрига топширилди. Ўрикзор-у, олмазорлар, узмузор-у анжирзорлардан иборат катта боғ ўртасидаги бу маскан қайта таъмирланди. У соғломлаштириш марказига айлантирилди. Бу марказ хорижий, совет даволаш ускуналари ва жиҳозлари билан таъминланди. Энди юрак хасталиги, қон босими, буйрак оғриғига дучор бўлган беморлар бу ерда даволанадилар.

## Янги боғ

● **Қумқўрғон ноҳиясидаги 140 гектарлик боққа «КПСС XXVIII съезди» номи берилди.**

Бу боғ Боботоғ адирликларида ташкил этилди. Уни бунёд қилишда район меҳнаткашлари, миришкор боғбонлар ва соҳибкорлар фаол иштирок этдилар. Ниҳолларни айни кунларда ижарачи боғбонлар меҳр билан парваришлаётирлар. Келгусида боғ яна ҳам кенгайтирилади. У жами 240 гектар майдонни эгаллайди. Боғда жумҳуриятимиздаги барча мева дарахтларидан намуналар ўстирилади.

**Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# МУСТАҚИЛЛИК БЕРИЛДИ

● «Ўқитувчи» нашриёти ғоявий, илмий, методик ва полиграфик жиҳатдан юқори бўлган 319 номдаги китобни 25 миллионга яқин нусхада чоп этишни режалаштирганди. Биринчи кварталда етмиш номдаги 5,5 миллион нусхада босилиши лозим бўлган маҳсулот 82 номда 6,92 миллион нусхада чоп этилди. Хўжалик ҳисобига ўтилгандан кейин ҳар бир ҳодимга тўла мустақиллик берилди. Бу эса, уларнинг масъулиятини янада оширишга сабаб бўлди. Натижада ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришлари юз берди.

**И. ШОЙМАРДОНОВ.**

# СПОРТ

ЯНА БИР ҚАҲРАМОН

● ФУТБОЛ мамлакатимизда энг севимли, энг оммавий спорт тури экани яна бир бор эътироф этилди. Футболга умрини бахшида этиб, миллионлар эътиборини тортиб, қадр топаётган кишилар эса муносиб тақдирланмоқда. Жаҳонга машҳур дарвозабон Лев Яшин спорт соҳасида биринчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлган эди. Энди ана шундай унвон кўп марта олқиш олган спортчи, спартакчи, ёши 90 ни қоралаб қолган, фаол меҳнат билан банд бўлиб турган Николай Старостинга берилди.

● ОЛИЙ ЛИГА. Пойтахт спартакчилари навбатдаги тур ўйинларидан кейин 9 очко билан фахрли учинчи ўринни эгаллаб туришибди. «Торпедо» ва «Днепр» футболчиларида ҳам шунчадан очко бор.

● БУГУН. СССР терма командаси Дублин шаҳрида Ирландия футболчилари билан ўртоқлик учрашувида куч синашади. Бу ўйин жаҳон чемпионатига тайёргарлик машқларидан бири ҳисобланади.

● ЭРТАГА иккинчи лиганинг шарқий зонаси коллективлари ўртасида навбатдаги тур ўйинлари бўлади. Ҳозир «Олға» футболчилари 7 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Сугдиёна» ва «Нефтяник» командаларида 6 тадан очко тўпланган. «Вахш», «Мелиоратор» ва «Спартак» коллективлари ҳисобида 5 тадан очко бор.

● ЭРТАГА Швейцарияда Европа ва жаҳон чемпионати иштирокчилари дастлабки босқичнинг якунловчи ўйинларини ўтказишади. Совет хоккейчилари Канада командаси билан майдонга тушадилар. 5 ўйиндан кейин жаҳон чемпионатига даъвогарлик қилувчи командалар аниқланди. Канада, Швеция, СССР ва Чехословакия командалари медаллар учун курашадилар.

Муҳаррир
**Р. РАҲМОНОВ.**

# Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/IV да **Дон Кихот**, 26/IV да **Масхарабозлар**, 27/IVда **Севгига севги билан**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Жар**, 27/IV да **А. Қодирийнинг ўтган кунлари.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 25/IV да **Анқовлар чайқови**, 27/IV да **«Олтин тўй»** (театрнинг 50 йиллик юбилей кечаси.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари узумчилик, мевачилик, сабзавот — мева маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш кафедрасининг доценти

Туроб **ТУРСУНОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг онла аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент машинасозлик институти ректорати ва олий математика кафедраси жамоаси шу кафедра доценти Ғ. Шодмоновга онаси

Қизлархон **САИДАЗИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият телекўрсатув маркази жамоаси телеоператор И. Алиевга онаси

Зебинисо **АЛИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоят план комиссияси шу жамоанинг етакчи мутахассиси Н. Ашуровга, укаси

Баҳодир **АБДУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бутуниттифоқ химиявий-технология илмий-тадқиқот институти жамоаси катта илмий ходим, химия фанлари номзоди М. Обйдовга отаси

Обиджон **ҚОСИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 10043. № 96. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12